

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

Алишер Тожиев Султанназирович.

УрДУ, Тарих факультети, Тарих кафедраси ўқитувчisi.

alishertojiyev@mail.ru

телеграм номери: +998937475065



Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида туризм соҳасининг ривожланиши ёритилган.

Аннотация: В этой статье освещено развитие сферы туризма Хорезме в годы независимости.

Abstract: The development of tourism sphere in Khorezm region during independence years is described in this article.

Калит сўзлар: Халқаро ташкилот, Буюк ипак йўли, Иchan – қалъа, Дишан – қалъа.

Ключевые слова: Международная организация, великий шёлковый путь, внутренний город, внешний город.

Key words: International organization, the silk road, inner castle, outer castle.

Хоразм вилояти мамлакатимизнинг муҳим туристик марказларидан бири бўлиб, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташрифи ҳамда туризм инфратузилмалари бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан кейин 3-ўринда туради [3, b. 402].

Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимолий ғарбида, Амударё қуви оқимиининг чап соҳилида жойлашган бўлиб, шимолий ва шимолий шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубий ва жанубий-ғарбдан Туркманистон, жанубий шарқдан Бухоро вилояти билан чегарадош бўлиб, майдони 6,1 минг км квадратни ташкил қиласди. Хоразм вилоятининг аҳолиси сони 1866,7 минг

(2019 йил 01 январь) кишини ташкил қилиб, 32,8 фоизи шаҳарда, 67,2 фоизи қишлоқ ҳудудларида истиқомат қиласди [1, б. 51].

1991-1999 йилларни ўз ичига олувчи туризм соҳасининг мустақил Ўзбекистонда фаолиятнинг йўлга қўйилиши биринчи босқичида Ўзбекистонда мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ бошқа соҳалар сингари туризм бўйича ҳам кўпгина ислоҳатлар амалга оширилди.

1999-2016 йилларни ўз ичига олувчи иккинчи босқичида – Ўзбекистонда туризм иқтисодиётнинг етакчи соҳасига айланди. 1999 йил 20 августда “Туризм тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳада туб бурилиш даври бошланганлиги билан изоҳланниши мумкин.

2016 йилдан бугунги қунгача бўлган учинчи босқичда туризм янги босқичга кўтарилиди. Ҳозирги вақтга келиб, туризм соҳаси халқ ҳўжалигининг деярли барча тармоқларини қамраб олиш даражаларида ривожланмоқда. Ана шу, қамраб олиш даврида туризмнинг кўплаб ишлаб чиқариш тармоқларига ва соҳаларига бўлиниши келиб чиқди.

Президент Шавкат Мирзиёевни қуидаги фикрлари ҳар бир хоразмлиқда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиб юборади. “Хоразм воҳаси шундай хосиятли бир юртки, унинг ҳар одамни ҳам ўзига тортадиган бекиёс сехри, жозибаси бор. Чунки Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади. Шахсан мен қачонки бу замин тупроғига қадам қўйсам, кўхна тарих сирларидан огоҳ бўлгандек, кўп ҳаётий ҳикматларнинг мағзини чаққандек бўламан” [4, б. 6].

Хоразм – қадимги Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг юқори сайёҳлик салоҳиятига эга минтақаларидан бири ҳисобланади. Хиванинг халқаро миқёсда “Очиқ осмон остидаги музей шаҳар” дея эътироф этилиши ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши нафақат Хоразм вилояти, балки мамлакатимизнинг жаҳон туризм бозоридан муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам замин яратади. Хоразмда неолит давридан то XIX асргacha бўлган даврни қамраб олган 254 та маданий мерос ёдгорлиги бўлиб, уларнинг 18 таси археология, 132 таси



меморчилик, 66 таси ҳайкалтарошлиқ, 6 таси дикқатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас қадамжолардир [5, б. 6].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27-28 январь ҳамда 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Хивадаги Иchan қалъа ҳамда Нуруллабой саройи мажмуаларида, “Фаровон” меҳмонхонасининг қурилиш участкасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тарихий обидаларни реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишиб, қадимий Хиванинг сайёҳлик жозибадорлигини янада ошириш мақсадида сайилгоҳ қўчалар ташкил этиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича топшириқлар берган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 майдаги “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди. Ушбу дастур ижроси доирасида бугунги кунда ҳудудда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майда қабул қилинган “Хоразм вилоятидаги “Нуруллабой” тарихий мажмуасини реконструкция ва реставрация қилиш тўғрисида”ги қарори асосида ушбу масканда ҳам кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада бадиий галерея, амфитеатр, қабуллар уйи, хунармандлар маркази, миллий услубдаги овқатланиш шохобчаларини ўз ичига олган ажойиб сайёҳлик мажмуаси бунёд этилди.

Сайёҳлар эътиборини нафақат тарихий ёдгорликлар, балки замонавий ажойиботлар орқали жалб қилиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Яқинда Швейцария ҳамда ўзбекистонлик аэростатчилар Хива осмони узра илк бор ҳаво шарида парвозни амалга оширишди. Ҳаво шарида туриб “Иchan қалъа” давлат музей-қўриқхонасини 100 метр баландликдан қузатиш, шаҳарнинг бетакрор гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ва уни фотосуратларга муҳрлаш меҳмонларга чексиз завқ улашди.

Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида ихчам меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари тизимини ривожлантириш кўзда тутилган. 2014 йилда Хоразм вилоятда атиги 39 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса 2018 йилга келиб уларнинг сони 60 тага етган. 2017 йили





вилоятда 8 та янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди. 2018 йилда эса вилоятда яна 10 та янги меҳмонхона барпо этилган. Урганч шаҳрида 2018 йилда иш бошлаган “Караван” меҳмонхонаси ўзига хос мөъморий ечими, сайёҳлар учун яратилган қўшимча қулайликлари билан ажralиб туради. Миллий ҳамда жаҳон мөъморчилиги анъаналари уйғунлашган меҳмонхона биноси қурилиши учун 7,5 миллиард сўм йўналтирилди, дейди тадбиркор Отабек Ҳожиев. Меҳмонхонада бир вақтнинг ўзида 50 нафар мижозга аъло даражада хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган ва 30 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Янги бино яратилган қўшимча қулайликлар ва юқори сифатли жиҳозлари билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги Туризм хизматларини сертификатлаш маркази томонидан тўрт юлдузли меҳмонхоналарга қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради. Эътиборли жиҳати, вилоятда чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда ташкил қилинган меҳмонхоналар сони кўпаймоқда. Жумладан, янги барпо барпо этилган “Фаровон” меҳмонхонасига ҳам франциялик ишбилармонлар сармояси киритилган [5, b. 6].

Хоразм воҳаси туризм соҳасида ўзининг қадимий шаҳарлари ва маданий мерослари билан ўз ўрнини топган. Воҳада 259 та маданий мерос обьектлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан кўпчилиги ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги билан аҳамиятлиdir [2, b. 47].

Қадимда савдо карvonлари учун катта аҳамиятга эга бўлган Хива шаҳри диний, маданий ва илмий марказ вазифасини ҳам ўтаган. 2500 йил аввал Қорақум чўли ўртасида қад ростлаган, қадимий цивилизация ўчоғи ҳисобланган Хива тарихда Буюк ипак йўлидаги давлатларнинг кўз қорачиги бўлган. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Боку шаҳрида ўтган XI сессияси доирасида илк бор Ўзбекистон шаҳарларидан бири Хива 2024 йилда Ислом дунёсининг туризм пойтахти деб эълон қилинган.

Хива шаҳри номзоди Президентимиз раҳбарлигига кечётган ислоҳатлар, жумладан, туризм соҳасини ривожлантириш, тарихий обидаларни асрлаб-авайлаш, муқаддас қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасидаги ишлар вва бунинг эътирофи



сифатида БААнинг Абу-Даби, Туркияning Шанли-урфа, Нигерянинг Лагос, Тожикистоннинг Душанбе шаҳарлари орасида ғолиб деб топилди.

Боку сессияси давомида Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, бу борадаги очиқлик сиёсати, виза режимининг соддалаштирилиши, маданий меросни сақлаш, тарихий шаҳарларни ободонлаштириш каби қўплаб ислоҳатларни эътироф этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Матяқубов У. Туризмда тараққиёт стратегиясини амалга ошириш муаммолари. Тошкент: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – Б. 51.
- “Ўзбекистонда ишбилармонлик туризмини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022. – Б. 47.
- Садуллаева А. Хоразм вилоятида туризм хизматлари бозорида таклифнинг ўзига хос хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2022 йил январь-февраль (№ 00057).
- Хоразм: тарихи буюк, бугуни мунаvvар воҳа. // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 13 июль, № 141 (397).
- Одамбоев О. Ҳаёт давомида кўриш керак бўлган шаҳар. // Халқ сўзи, 2018 йил 20 июнь, № 124 (7082).